



Касби туман Хужа Касби МФЙ А.Навоий кучасига тунги ёритиш ускуналари ва чирокларини жамоатчилик фикри асосида шаклланган маблаглар ҳисобидан урнатиш ишлари бўйича

ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ

ТАНЛОВ ХУЖЖАТИНИ

ИШЛАБ ЧИҚДИ

Карши шаҳар “ШАРК СИФАТ МЕЪМОР” МЧЖ

ТИЖОРАТ ҚИСМИ

БОШ ПУДРАТЧИНИНГ БОШЛАНҒИЧ НАРХИ	484 030 000 сўм.
КУРИЛИШНИ ЯКУНЛАШ МУДДАТИ	45 (қирқ беш) кун
МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАСИ	Маҳаллий бюджет маблаг ҳисобидан
МОЛИЯЛАШТИРИШ ШАРТЛАРИ	30 %гача олдиндан тўлов асосида молиялаштириш
ШАРТНОМА ВАЛЮТАСИ	Сўм
ТАЪМСИРЛАШ ИШЛАРИНИ ЛОЙИХАСИ	“Шарк сифат меъмор” МЧЖ томонидан ишлаб чиқилган, “ШАХАРСОЗЛИК ХУЖЖАТЛАРИ ЭКСПЕРТИЗАСИ” томонидан 02,11,2022 йил № 68140-сон жамланма экспертиза хулосаси билан тасдиқланган

Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчилари учун йўриқнома

Мазкур энг яхши таклифларни танлаш (бундан буён матнда танлаш деб юритилади) бўйича харид қилиш ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелда қабул қилинган 684-сон “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Танлаш ўтказиш шакли: танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонда (1-иловага мувофиқ) кўрсатилган муддатда танлаш иштирокчиларини таклифларини қабул қилиш орқали очиқ тарзда ўтказилади.

Давлат буюртмачиси: Касби туман Ободонлаштириш бошқармаси (бундан буён матнда Буюртмачи деб юритилади).

Бош пудратчи: танлов асосида

Харид предмети: мазкур харид килиш хужжатларини 2-иловасида кўрсатилган талабларга мос келувчи (товар, иш хизмат миқдори кўрсатилади).

Харид предметининг бошланғич нархи ва етказиб бериш (иш, хизматни тугаллаш) шarti: Касби туман **Хужа Касби МФЙ А.Навоий** кучасига тўнги ёритиш ускуналари ва чирокларини жамоатчилик фикри асосида шаклланган маблаглар хисобидан урнатиш нархи 484 030 000 (турт юз саксон турт миллион уттиз минг) сум. Таъмирлаш ишларини бажариш муддати шартнома имзолангандан сўнг 45 кундан ошиб кетмаслиги лозим.

Молиялаштириш манбаи ва валютаси: Касби туман хокимлиги маҳаллий бюджет маблаги хисобидан. Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида.

Тўлов шартлари: шартнома кучга киргандан сўнг 30 фоизгача бўлган миқдорда олдиндан тўлов амалга оширилади ва ишлар бажарилгандан сўнг, қолган 65 фоизи тўлаб берилади. Қолган қисми объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин ёки мазкур шартномада белгиланган қафолат муддати (бир йил) тамом бўлгандан сўнг ишлар қийматининг 5% миқдорида тўлови амалга оширилади.

Танлаш ўтказиладиган жойнинг манзили: Касби туман Муғлон шаҳарчаси.

Буюртмачи билан алоқа боғловчи мансабдор шахс: Примов Шерзод Тел 91-219-66-47; Касби туман Ободонлаштириш бошқармаси.


Иштирокчилар томонидан таклифлар бериш муддати тугайтиган сана ва вақт: таклифлар давлат харидларининг электрон тизимида танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълон қилингандан сўнг камида беш иш куни давомида, соат 8-00дан 17-00 га қадар қабул қилинади.

Иштирокчиларга нисбатан қўшимча талаблар:

Харид комиссияси томонидан ўтказиладиган дастлабки малака танловида ўтган иштирокчиларнинг таклифлари кўрилиб чиқилади ва баҳоланади.

Талифларни таъминлаш учун иштирокчи ТХАБ инг ҳисоб рақамига зақалат тарзда иш хизматлар харажатларига мувофиқ харид предметининг бошланғич нархи жами суммасининг 3% миқдоридаги маблағни ўтказиб бериши шарт.

Комиссия котиби:



Т.Тураев.

Касби туман Ободонлаштириш бошқармаси**ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ЎТКАЗИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ****Э Ў Л О Н И**

Танлаш ўтказиш шакли:	Танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонда (1-иловага мувофиқ) кўрсатилган муддатда танлаш иштирокчиларини таклифларини қабул қилиш орқали электрон тарзда ўтказилди.
Давлат буюртмачиси	Касби туман Ободонлаштириш бошқармаси
Бошпудратчи:	Танлов асосида
Харид предмети	Касби туман Хужа Касби МФЙ А.Навоий кучасига тунги ёритиш ускуналари ва чирокларини жамоатчилик фикри асосида шаклланган маблағлар хисобидан урнатиш ишлари
Харид предметининг бошланғич нархи ва етказиб бериш (иш хизматини тугаллаш) шарти:	484 030 000 (турт юз саксон турт миллион уттиз минг) сўм . Шундан ҚҚС:63134348 сўм. Таъмирлаш ишларини бажариш муддати шартнома имзоланганидан сўнг 45 кунгача.
Молиялаштириш манбаи ва валютаси:	Касби туман Хокимлиги маҳаллий бюджет маблағлари
Тўлов шартлари:	Шартнома кучга кирганидан сўнг 30 фоизгача бўлган миқдорда олдиндан тўлов амалга оширилади ва ишлар бажарилгандан сўнг қолган 65 фоизи тўлаб берилади. Қолган қисми объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибдан қабул қилингандан кейин ёки мазкур шартномада белгиланган кафолат муддати (бир йил)тамом бўлгандан сўнг ишлар қийматининг 5% миқдоридagi тўлови амалга оширилади
Танлаш ўтказиладиган жойнинг манзили:	Касби тумани Муглон шаҳарчаси.
Буюртмачи билан алоқа боғловчи мансабдор шахс:	Примов Шерзод Тел 91-219-66-47; Касби туман Ободонлаштириш бошқармаси.
Иштирокчилар томонидан таклифлар бериш муддати тугайдиган сана ва вақт:	Таклифлар давлат харидларининг электрон тизимида танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълон қилинганидан сўнг камида беш иш куни давомида соат 8-00 дан 17-00 гача қадар қабул қилинади.
Иштирокчиларга нисбатан қўшимча талаблар:	Танлов комиссияси томонидан ўтказиладиган дастлабки малака танловидан ўтган иштирокчиларнинг таклифлари кўриб чиқилади ва баҳоланади; Таклифларни таъминлаш учун иштирокчи ТХАБ нинг ҳисоб рақамига закатат тарзида харид қилиш ҳужжатларига мувофиқ харид предмети нинг бошланғич нархи жами суммасининг 3% миқдориданги маблағги ўтказиб бериши шарт

Касби туман Ободонлаштириш

бошқармасини раҳбари:



М.Гулмуродов.

Дастлабки малака танловини ўтказиш тартиби

Дастлабки малака танлови харид қилиш тартиби-таомилининг бир қисми бўлиб, унинг натижаси давлат харидлари тўғрисидаги шартномани тузиш учун асос ҳисобланмайди

Дастлабки малака танловини ўтказиш тартиби ва баҳолаш мезонлари барча учун бир хил ҳисобланади ҳамда давлат харидларининг асосий принциплари зид бўлмаслиги лозим.

Танлаш бошланишидан олдин харид комиссияси иштирокчиларнинг малакавий танлови ўтказилади. Танлашнинг кейинги босқичига фақат малака танловидан ўтган иштирокчилар иштирок этишлари мумкин.

Дастлабки малака танловини ўтказиш учун талабгорлар харид қилиш ҳужжатларининг 4-иловасида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этиши лозим. Барча малака ҳужжатлари ташқи конвертларга жойлаштирилган бўлиши керак.

Малака ҳужжатлари талабгор томонидан танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонда ва харид қилиш ҳужжатларида белгиланган талаблар асосида иштирокчининг таклифлари билан бирга юборилади.

Талабгорнинг тақдим қилган ҳужжатларининг тўлиқлиги харид комиссиясининг маъсул котиби (бундан буён матнда котиб деб юритилади) томонидан ўрганилади.

Бундан котиб томонидан уч иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда иштирокчилар тақдим қилган ҳужжатларни тўлиқлигини ҳамда иштирокчилар ҳақидаги қуйидаги маълумотлар ўрганилади:

Ягона интерактив давлат хизматлари порталдаги маълумотлар (ёки бошқа маълумотларнинг ўхшаш манбаалари);

иштирокчи фаолиятининг лицензияланган тури билан шуғулланганда, унинг “Лицензия” ахборот тизими ёки лицензияловчи органларининг расмий сайтларидаги лицензиялар реестрида мавжудлиги; иштирокчиларнинг махсус ахборот порталида инсофсиз иштирокчилар реестрида шунингдек тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиқ миқдорини камайтириш ҳуқуқини суиистуъмол қилган корхоналар рўйхатида мавжуд ёки мавжуд эмаслиги;

иштирокчининг ишбилармонлик обрўси тўғрисидаги шу жумладан: иштирокчиларнинг расмий веб-сайт оммавий ахборот воситалари, у аъзо бўлган тармоқ уюшмаларида ва бирлашмалари ҳамда бошқа интернет жаҳон ахборот тармоғидаги веб-сайт ва тегишли ахборот тизимлари орқали олган маълумотлар.

Котиб томонидан ўтказилган ўрганиш натижалари харид комиссиясига тақдим этилади ва харид комиссиясининг йиғилишида кўриб чиқилади.

Харид комиссияси қуйидагиларни кўриб чиқади ва баҳолайди:

Котиб томонидан тақдим этилган ўрганиш натижаларини:

Иштирокчиларнинг ўз вақтида сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш салоҳияти уларнинг ишлаб чиқариш қуввати ва иш тажрибаси;

Иштирокчиларнинг молиявий ҳисоботлари шунингдек солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд эмаслиги;

Имтиёзли солиқ режимидаги молиявий операцияларни амалга оширишга маълумотларни ошкор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган давлатлар ёки ҳудудларда (оффшор ҳудудлар) иштирокчилар ва уларнинг банк ҳисоб рақамлари рўйхатдан ўтказилганлиги ёки ўтказилмаганлиги ;

таъсис ҳужжатлари ва фаолиятининг қонунийлиги;

манфаатлар тўқнашуви ва аффилиланганлик ҳолатлари мавжуд эмаслиги;

Иштирокчиларнинг жорий буюртмачи билан илгари тузилган шартномалар бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларнинг ижро этилмаганлиги ёки лозим даражада ижро этилмаганлиги бўйича судда иш кўрилганлиги ;

Иштирокчиларга нисбатан банкротлик тартиб тамоилларининг мавжуд эмаслиги.

Касби туман Ободонлаштириш бошқармасини раҳбари

М.Гулмуродов.

МАЛАКА ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ

РЎЙХАТИ

1	Танлашда иштирок этиш учун харид комиссия райси номига ёзилган ариза (харид қилиш ҳужжатларига 5-илова)
2	Ташкилотнинг Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг танлаш иштирокчисини муҳри билан тасдиқланган нусхаси
3	Закалат киритилганлигини тасдиқловчи тўлов топшириқномасинининг нусхаси ёки банк қафолатининг асл нусхаси (харид қилиш ҳужжатларига мувофиқ талаб қилинганда).
4	Иштирокчининг қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик ҳолатларда эмаслиги, буюртмачи билан суд ёки арбитраж муносабатларга киришмаганлиги, аввал тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларнинг тегишли даражада бажармаслик ҳолатлари мавжуд эмаслигини тасдиқловчи қафолат хатлари (харид қилиш ҳужжатларига 6-илова)
5	Дастлабки малака тўловини ўтказишга ТАЛАБНОМА (харид қилиш ҳужжатларига 7-илова)
6	Молиявий ҳисоботлар (ташқари аудитор ташкилотлар томонидан тасдиқланган ёки солиқ органлари томонидан қабул қилинганлиги тасдиқланган ҳолда).
7	Иштирокчиларнинг ишбилармонлик обрўсини (ишчи-ҳодимлари малакаси, иш тажрибаси, шу жумладан махсус фаолият бўйича тажрибаси) тасдиқловчи ҳужжатлар
8	Ташкилот (компания) раҳбарининг танлашда иштирок этиш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолларда, унинг ваколатли вакили номига ишончнома тақдим этиш талаб этилади. Бундай ишончнома қуйидагиларни амалга ошириш ваколатини беради: -ҳужжатларни тақдим этиш; -харид комиссияси йиғилишларида қатнашиш: -таклиф бўйича тушунтириш ишлар бериш.
9	Солиқ ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлик мавжуд эмаслиги тўғрисида Давлат солиқ инспекциясининг маълумотномаси
10	Коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза (харид қилиш ҳужжатларига 14-илова)

ИЗОХ: Иштирокчилар ўз хоҳишига кўра фаолиятига доир қўшимча маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим этиш мумкин

Касби туман Ободонлаштириш

бошқармасини раҳбари:



М.Гулмуродов.



Касби туман Хужа Касби МФЙ А.Навоий кучасига тунги ёритиш ускуналари ва чирокларини жамоатчилик фикри асосида шакланган маблаглар хисобидан урнатиш ишлари бўйича

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

№	ТАЛАБ НОМИ	БАЛЛ	ТАВСИФИ
1	Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотнома	15	Низом ва гувоҳномадан, таъсисчи ва раҳбарнинг паспорт нусхалари, СТИР рақамлари, Статистик маълумотлар
2	Танлов буюртмасини таъминлаш кафолати	15	Талабгор ташкилот таъмирлаш ишларини сифатли ва белгиланган муддатда тугатиши бўйича расмий кафолат хати тақдим этиш шарт (Қайта ташкил этиш, тугатиш ва банкротлик ҳолатларида эмаслиги: буюртмачи билан суд ёки арбитраж муносабатларига киришмаганлиги; аввал тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларнинг тегишли даражада бажармаслик ҳолатлари мавжуд эмаслиги
3	Танлов иштирокчисининг иш ҳақи жамгармаси ва ходимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлар	15	Ходимлар сони ва тажрибаси тўғрисида маълумотлар
4	Танлов иштирокчисини салоҳияти	15	Пудрат ташкилоти электрон рейтинги тўғрисидаги маълумот. Тўловга қодирлиги ва айланма маблаглар билан таъминланганлиги тўғрисида маълумотлар. Солик ва бошқа тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги
5	Танловдаги объектга ўхшаш объектлардаги иш тажрибаси	10	Ухшаш объектлардаги бажарилган ишлар бўйича Ф-3 (бажарилган ишлар ҳажми ҳисоб-фактураси маълумотномаси) ва Ф-5 маълумотлари
6	Ишларни бажаришда фойдаланиладиган танлов иштирокчисининг машина ва механизмлари мавжудлиги	15	Ишларни бажаришда фойдаланиладиган танлов иштирокчисининг машина ва механизмлари рўйхати (ижара асосида фойдаланилса ижара шартномаси ва бошқа ҳужжатлар)
7	Танлов предмети бўйича пудрат таклифи нарх кўрсаткичи	30	Энг яхши нархда пудрат таклифи (иш турлари ёйилмаси шаклида тақдим этилиши)
	ЖАМИ	100	

Изоҳ: Иштирокчиларнинг хоҳишига қўра қўшимча ҳужжатлар илова қилиниши мумкин

Энг юқори балл 100, энг паст ўтиш балли 56 балл

Комиссия котиби:

Т.Тураев.